

**III МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ  
ИНТЕРНЕТ-КОНФЕРЕНЦИЯ**

**«ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ  
НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ  
В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ»**



**ВЫПУСК 3**

**2-3 мая 2015 г.**

**г.Переяслав-Хмельницкий**

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ВЫСШЕЕ УЧЕБНОЕ ЗАВЕДЕНИЕ  
«Переяслав-Хмельницкий государственный педагогический университет  
имени Григория Сковороды»

Совет молодых ученых университета

Материалы

III Международной научно-практической интернет-конференции  
**«Тенденции и перспективы развития науки и образования в условиях глобализации»**

2-3 мая 2015 года

Сборник научных трудов

Переяслав-Хмельницкий – 2015

**Мухаммаджон Мамажонов  
(Фаргона, Узбекистон)**

## КИШИ ИСМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИ

Антропонимика (грекча «инсон» + «исм») ономастиканинг бир бўлими бўлиб, исмнинг келиб чиқиши, тараққиёти (эволюцияси) ва функцияланишини ўрганади. Инсонлар номини ифодаловчи ҳар қандай хусусий исм антропоним деб аталиб, улар: шахсий исм (Карим, Дилшод), отасининг исми (Юсупович, Қаюмжонович), фамилия (Сайдов, Жомиев), тахаллус (Муқими, Навоий)лар хисобланади<sup>29</sup>.

От ёки исм инсонлар ва барча жонли-жонсиз борлик дунёнинг муҳим белгиларидан биридир. Инсонлар кўп қадим замонлардан бошлаб нафақат ўзларини, балки теварак-атрофдаги барча нарсаларни белгилаш, таниб олиш ва билдириш учун муайян ва муносиб сўзлар билан номлашга интилганлар. Бу эса инсонлар турмуш фаолияти учун керакли ва муҳим бир эхтиёжга айланиб қолган. Бугунги кунда кишилар ва барча мавжудотларнинг отлари ва, айниқса, атоқли отлар ҳар бир тилнинг муҳим тармоқларидан хисобланади.

Кишилар номи ёки атоқли отларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши бевосита тилнинг тарихий ривожи хамда миллатнинг ижтимоий-иктисодий турмуши билан чамбарчас боғлиқдир.

Жаҳонда ҳар бир ўлка, элат ва ҳатто ҳар бир минтақанинг тили, маданий ва ижтимоий тузуми билан уйгунлашган холда, ўзига хос исм қўйиш одати бор. Шунинг учун ҳам, ҳар бир миллатнинг тилидаги отлар ўша миллатнинг турмуш шароити, савияси, қайси бир этник гурухга мансублиги ва, шунингдек, уларнинг расм ва анъаналарини ҳам акс эттиради.

Киши номи муайян замон ва маконда ўз эгасининг тутган ўрнини ҳам белгилайди [2]. Масалан, буюк саркарда соҳибқирон Амир Темур Тарагай Кўрагоний бобокалонимизга Соҳибқирон ва Кўрагон номлари берилган. Соҳибқирон номи икки шарофатли сайёра – Зухро ва Муштариј самовий доирасида Тур (жаддий) буржида ўзаро яқинлашган вактда тугилганлиги учун берилган. «Амир Темур Сароймулхонимни ўз никоҳига киритгач, машҳур «Кўрагон» номини олишга мушарраф бўлади» дейилади. Кўрагон сўзи мўғил тилидан ўзбек тилига ўгирилса, «куёв» деган маънени англатади [7].

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, ҳар холда қадим замонлардан бери алломалар ва уламолар кишиларни яхши ва қулав исм қўйишга тарғиб қилганлар. Хусусан, пайгамбаримиз ҳазрати Мухаммад алайхиссалом бу ҳақда шундай деганлар: отага фарзанд ҳақлари жумласидан булдурким, унга ёзишни ўргатиб, отини яхши сайласа ва балогат чоги уни уйлантирса…

Пайгамбаримиз яна бошқа бир жойда киши исмининг яхши ва чиройли бўлиши кераклигини таъкидлаб: «Менинг олдимга қосид юбормоқчи бўлсангиз, яхши суратли ва яхши исмли кишини юборинглар»[4,55] деган эканлар.

Бугунги кунда ҳам ўзбек оиласарида фарзандга маъноли ва чиройли исм қўйиш анъанаси сақланиб келмоқда.

Киши исмларининг этимологияси, уларнинг маънолари ҳақида тилшунос олим Э.Бегматов кўплаб тадқиқотлар олиб борган. Антропонимлар ҳақида бизгача яратилган ишлардан фарқли ўлароқ бизнинг изланишларимиз киши исмлари билан боғлиқ бўлган мурожаат шаклларини ижтимоий-лисоний аспектда тадқиқ қаратилган.

Ўзбек ҳалқида киши исмларини айтиб мурожаат қилишда исмларга қўшимча тарзда *хурмат*, *эркалаш*, *кичрайтириш* маъноларини ифодаловчи қўшимчаларни қўшиб айтиш одати кузатилади. Жумладан, катта ёшдаги эркак адресатга нисбатан -жон, -хон, -хўжса, -ҳожса (ҳажга бориб келганларга нисбатан), -бек, -бой, -тўра; кичик ёшдаги адресатларга нисбатан эса -той, -шер, -ча, -чик каби қўшимчаларни қўшиб мурожаат килинади. Аёл

<sup>29</sup> WWW.Krugosvet.ru

адресатларга исмга мос келадиган қўшимчалар қўшиб мурожаат қилинади: -хон, -ой, -гул, -нисо каби. Баъзан эса ману шу қўшимчалар аёл адресат билан адресант ёшларининг фарқланишига қараб ҳам турлича кўринишларда шаклланади. Кичик ёшдаги адресант катта ёшдаги аёл адресатга мурожаат қилганда адресат исмiga -хон, -ой, -гул қўшимчаларидан ташқари она, ая, хола, амма, эна, момо каби қариндош уруг номларини ифодаловчи сўзларни қўшиб айтади:

Ойгул ая, Раъно опа, Нигор хола, Фотима амма, Қумри момо, Ҳадича эна каби.

Маълумки, киши исмларининг энг биринчи функцияси шахсларнинг бирини иккинчисидан фарқлаш, ажратиб туришдир. Аммо мурожаатда турли миллат ва ҳатто диалект вакиллари киши исмларига турлича муносабатда бўладилар. Жумладан, тилшунос олим Э.Бегматовнинг «Номлар ва одамлар» номли рисоласида таъкидланишича, қадимдан туркий халқларда кишининг исмiga ҳурмат билан муносабатда бўлиш шахснинг ўзига нисбатан ҳам ҳурмат ва эҳтиром белгиси сифатида қабул қилинган. Бундай ҳурмат изҳор қилишнинг асосий йўли эса киши исмини айтиб чақирмасликдир. Диний эътиқод, ирим, қўркиш ва шу кабилар таъсирида маълум сўзнинг ишлатилишини чеклаш, ман этиш тилшуносликда табу деб аталади [5, 86]. Шунга кўра туркий халқларнинг кўпчилигида ёшлар ўзидан катталарнинг, эр-хотинлар бир-бирларининг исмини айтиши мумкин эмаслиги ҳақидаги расм-руслар пайдо бўлган. Ўзбекларда одатга кўра ёш бола ўз ота-онасига, шунингдек, ўзидан катта ёшдаги қариндош-уругларига уларнинг исмини айтиб мурожаат қилмайди, балки исм ўрнида «ота», «дада», «буви», «ойи», «она», «опа», «ака», «бобо» сингари сўзлардан бирини кўллади [1, 25]. Куйидаги ривоятда ҳам шу ҳақда сўз юритилади: «Абу Хурайра икки кишини кўриб, улардан биттасига: «Бу киши сенга ким бўлади?»- деб сўрадилар. У: «Бу - отам бўладилар», - деган эди, Абу Хурайра: «Ундан бўлса отангнинг исмини айтиб чақирма, юришда ундан олдин юрма ва ундан юқори жойда ўтирма » - деб насиҳат қилдилар» [3, 29].

Ватанимизнинг кўпгина ҳудудларида бу одатга ҳозир ҳам қаттиқ амал қиласидилар. Лекин маданиятимиз “гуллаб-яшнаган” собиқ иттифоқ даврида дўсту-ёрларга, таниш-нотанишларга ва ҳатто ота-оналарга мурожаат қилиш одобини қўпол равишда бузадиган ёшлар ҳам пайдо бўлгани сир эмас. Баъзи оилаларда, жамоат жойларида отаси ёки у тенги бошқа кишига «пахан», «бобой» деб, оналарга «бабуля», «бабушка» деб, ака-укаларига «брат», «братан», «браташка» деб мурожаат қилаётган ёшларни учратишимиз, қўча-куйда «хей», «эй», «эв», «хов» каби сўзлар билан, айрим ҳолларда ҳатто хуштак чалиб ёки дўстларининг исмини тоқ айтиб, яъни Бунёд бўлса-«Буни», Ҳасанбой бўлса- «Хайа», Абдуваҳоб бўлса – «Ваҳоб», Машхура бўлса - «Маш», Азиза бўлса – «Ази» деб, баъзан ҳатто лақаблари билан (Равшан кал, Али пўм-пўм, Раҳим совуқ каби) чақиришлари қулогимизга чалинадиган бўлиб колди. Энг ёмони улар буни замонавийлик ёки ўзига яқин олиб чақириш деб ҳисоблайдилар. Аслида эса бундай чақиришлар адресатга нисбатан ҳурматсизлик, қолаверса, мурожаат шаклларининг бузилишидир.

Келин-куёвлик инсон умрининг энг гўзал дамларидан бири бўлиб, тўй бўлган кундан бошлаб уларнинг юриш-туришлари, хулқ-атвори, сўзлашув муносабатларида қандайдир ўзгариш сезилади. Юртимизнинг баъзи жойларида кечагина бир-бирларининг исмини баралла айтиб юрган йигит-қиз бугун уни кечагидек айтишдан, айниқса, бошқалар олдида айтишдан нима учундир ийманади.

Хоразмда хотин эрининг исмини айтиб чақирса ёки мурожаат қилса, одамлар аёлга нисбатан ёмон фикрда бўладилар. У келинлик вақтидан бошлаб эрининг исмини айтиб чақирмайди. Акс ҳолда у эрини ўзидан паст кўрган ҳисобланади. Асосан исмнинг ўрнига «бобой», «уста», «оя», «ака», «бува» каби ибораларни ишлатадилар. Айни пайтда эр ъам хотинига нисбатан «момой», «кампир» (агар куёв ёш бўлса ҳам) каби сўзларни қўлладидилар [6, 4].

Фаргонада эса бундай эмас. Масалан, ўтмишда ва баъзи оилаларда ҳозир ҳам Фаргонада яшовчи ўзбекларда аёлнинг ўз эрини болаларидан биронтасининг (кўпроқ бош фарзандининг) номи билан чақириши ва «ўтглимнинг отаси», «менинг эrim», «қизимнинг

дадаси», «хўжайним» сингари иборалардан фойдаланиш кенг тарқалган. Эркак хотини ҳақида гапирганда «келинингиз», «қизингиз», «опангиз», «оилам», «турмуш ўртогим» каби сўз ва ибораларни қўллаш одатий ҳолдир. Бундай сўзлар билан чақириш (аташ) бир-бирларига бўлган хурмат юзасидандир.

«Абдулла Қаҳҳор ўта нозиктаоб, маданиятли одам эдилар. Мен у кишининг бирор маротаба отимни айтиб, баланд товуш билан чақирғанларини эслабўлмайман. Бозор-ўчарга бориб қолсак, нуқул: «Қанисиз, қанисиз?» деб орқамдан юрар эдилар…»

Уйдаги икки телефоннинг биттаси у кишининг иш столида, бошқаси менинг столимда турар эди. Агар бирор зарурат туғилиб қолса, «Кибриё!» деб чақирмасдан столдаги телефоннинг галтагини айлантирас эдилар, «Лаббай!» деб телефоннинг гўшагини кўтарар эдим...» [8, 21].

Ўтмишда баъзи чуваш оиласарида бундай одатлар шу даражага бориб етганки, айrim эр-хотинлар ҳатто бир-бирларининг исмларини унутиб қўйган ҳоллар ҳам учрайди.

Шахснинг отини тилга олиш, ўзини билдириш одобсизлик ёки ўша шахснинг отини тилга олиш нокулай, кўнгилсиз деб хисобланиши, маъноси аниқ бўлмаган олмош, олмошлишган сўзлардан эвфемистик воситалар сифатида фойдаланишга олиб келади. Киши исми ўрнида кўлланувчи бу каби эвфемистик сўз ва иборалар, айниқса, келинлар нутқида кўп учрайди.

Масалан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида ёрини согинган Кумуш Отабекка ёзган хатида ўзини бошқалар, Отабекни эса бировлар олмоши билан англатади: “Сиз – қочоқсиз, нари-бери тил учиди менга бир нарса ёзгандек бўлиб қочгансиз, икки йил бўйи Маргилон келиб юришингизни мен зимча ёчдим: сизнинг барча машақкатларингиз – душманларингиздан ўч олиш бўлганини англадим. Йўқса, мени кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар сизни кўрар эдилар, тўяр эдилар… Нихояти мақсадим икки дўстга бир чўрилик ва шу муносабат бировларни кўриб юриш...” [9, 299].

Юқоридаги гапда бир неча эвфемизмни кўрамиз. Улардан ўринли фойдаланган Кумуш “Мен сизни кўриб юраман” дейиш каби нокулайликдан кутулган.

Кишига унинг исмини айтмасдан мурожаат этиш дунёдаги кўпгина миллатларда, жумладан, шор ва абхазларда жуда кенг тарқалган. Бу одатлар ҳақида олимлар кўплаб қизикарли фикрларини баён этишган.

#### **ХУЛЛАС:**

- а) туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда исм қўйиш анъанаси бошқа халқларнидан фарқланиб, ажralиб туради;
- б) ўзбек халқида киши исмларини айтиб мурожаат қилишда исмларга ўзига хос қўшимчалар ҳамда қариндош-уруг номлари қўшиб айтилади;
- в) кадимдан туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам киши исмларига хурмат ва эҳтиром белгиси сифатида муносабатда бўлганлар. Шунга кўра қариндошлар бир-бирларининг исмларини айтиб мурожаат қилмайдилар. Ислам ўрнида қариндош-уруг номлари ва бошқа сўз бирикмаларидан фойдаланилади;
- г) киши исмларининг этимологияси ва уларнинг маънолари ҳақида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, киши исмлари билан bogliq бўлган мурожаат шакллари ижтимоий-лисоний аспектда тадқиқ этилмаган;
- д) ўзбек мулоқот хулқига хос киши исмлари билан bogliq бўлган мурожаат шакллари ижтимоий-лисоний аспектда монографик тадқиқ этиш бугунги кунда ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Бегматов Э. Номлар ва одамлар. – Тошкент: Фан, 1996.
2. Ёрқин Муҳаммад Ҳалим. Отлар ва от қўйиш // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 23 апрель.
3. Имом Бухорий. Адаб дурданалари. – Тошкент, 1990.
4. Муҳаммад Пайгамбар қиссаси. Ҳадислар. – Тошкент, 1991.

5. Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
6. Эрматов П. Хоразмликлар дейдилар // «Туркестон» газетаси, 992, 5.02.
7. Яхшибоев А. Яна кўрагон ҳақида. Туркестон, 26.02.94.
8. Қаххорова К. Чорак аср ҳамнафас. – Тошкент, 1987.
9. Қодирий Абдулла. Ўткан кунлар; Мехробдан чаён: Рўмонлар. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.

*Зулфия Марупова  
(Ташкент, Узбекистан)*

## СЎЗ ВАЛЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

Бизга маълумки, сўзалоҳидаолингандалоқавоситасибўлолмайди. Сўзнинг функциялари нутқ жараёнида юзага чиқади. Бу эса, ўз-ўзидан сўз бириктиришнинг табиати билан боғлиқ. *Сўз маъноси лексик-семантик ва мантиқий (логик)-семантик қатламлардан иборат бўлади*(И.Қўчқортов). Логик-семантик қатламга тегишли бўлган компонентлар сўз маъносининг лексик-грамматик ва синтагматик қиёфасини белгилайди. Буни ўрганишда сўз валентлигини аниқлашнинг аҳамияти катта.

Сўз бириктиришнинг табиати ҳақида йирик тилшунослар томонидан жуда кўп ишлар қилинган.

Сўз бириктиришнинг атрибутив (сифат+от, от+от...), релятив (равиш+феъл, равишдош+феъл...) ҳамда объектли (от+феъл, от+сифат...) турлари бор. Сўзларнинг бирикишида сўз маъноларининг аҳамияти катта. Масалан, *мевали, зилол, дарахт, сув* сўзларини атрибутив усулда бириктирадиган бўлсак, *мевали дарахт* ҳамда зилол сув бирикмаларини хосил қилишимиз мумкин. *Мевали сув ва зилол дарахт* бирикмасини тузсак ҳам грамматик бириқув қонуни бузилмайди, бироқ сўзларни фақат грамматик қоидалар асосидагина бириктириб булмайди. Нутқ жараёнида сўзларнинг бир-бирига бирикиб келишида нограмматик факторларнинг роли катта. Ёки сўз (ўзак)ларнинг ясовчи қўшимчалар қабул қилиши ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. *Гул+истон*-гулистан, *тош+лоқ*-тошлоқ дейиш тўғри, лекин *гуллоқ*, *тошистан* деб бўлмайди. Демак «нутқда сўзларнинг бошқа сўзларга бирикуvida ҳам, уларнинг ясовчи қўшимча қабул қилишида ҳам сайлаш элементи (хусусияти) бор. Сўзлар грамматик модель тақозо этган қўшимчалардан факат ўзига кераклиаринигина қабул қиласди<sup>30</sup>.

*Валентлик* сўзнинг бошқа элементлар билан синтактик алоқага кириша олиш имкониятидир. Валентлик кўпгина олимлар томонидан тил бирликларининг ўзаро бирикиш имконияти сифатида тан олинган бўлса-да, бир-биридан фарқ қиласидан талқинлар ҳам мавжуд. Валентлик масаласи буғунги кунда соф тилшунослик чегарасидан чиқиб, мантиқ, психология, эстетика соҳалари билан туташмоқда. И.Р. Гальперин сўз валентлигини кимёвий элемент хоссалари билан қиёслайди: кимёвий элементлар ҳам баъзи элементлар билан бирика олиш имкониятига эга, баъзилари билан эса бирика олмайди<sup>31</sup>. И.Г. Ольшанский, С.Д. Кацнельсон, В.Г. Адмони, Б.А. Абрамов, И. Эрбен, Г. Хельбиг, Л. Теньер каби тилшунослар валентлик тушунчаси ҳақида ўзларининг турлича фикрларини айтиб ўтганлар. И. Қўчқортов сўз маъноси – идеал ҳодиса, валентлик – материал ҳодиса, деб таъриф беради. Сўз маъносини бевосита кузатиш мумкин эмас, сўз валентлигини эса бевосита кузатиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Валентлик тушунчаси функционал (ёки динамик) синтаксис назарияси билан боғлиқ. Француз олими Л. Теньер валентликни фақат феъллар орқали таҳлил қиласди экан,

<sup>30</sup>Қўчқортов И.К. Сўз валентлиги ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. №3, 34-406.

<sup>31</sup>К проблеме необычных сочетаний слов. М., 1978

<b>Бекзада Қожекеева</b>	
ХІХ ФАСЫРДАҒЫ ҚАЗАҚ ӘДЕБИЕТІ МӘСЕЛЕЛЕРІ ЖӘНЕ АҚЫТ ҮЛІМЖІҰЛЫ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ	394
<b>Mahbuba Matadjanova, Isokhon Qo'chqorov</b>	
HEURISTIC DIAGNOSTIC TEACHING	396
<b>Мухаммаджон Мамажонов</b>	
КИШИ ИСМИ БИЛАН БОГЛИҚ МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИ	399
<b>Зулфия Марупова</b>	
СҮЗ ВАЛЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ	402
<b>Вікторія Пилипчук</b>	
ПРИРОДА АНГЛІЙСЬКИХ ПАРЕМІЙ	406
<b>Азизахон Расулова</b>	
ФЕЛЬ МАЙЛЛАРИДА ШАРТ ВА ТҮСІҚСИЗЛИК МУНОСАБАТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ	409
<b>Музаффар Рахимов, Зарифа Рузимуродова</b>	
ИНГЛIZ ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН НЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ТЕМАТИК ТАСНИФИ	412
<b>Татьяна Ремезова</b>	
ПОДГОТОВИТЕЛЬНЫЕ УПРАЖНЕНИЯ ДЛЯ ОБУЧЕНИЯ ПИСЬМЕННОМУ ДИСКУРСУ В ЖАНРЕ АКАДЕМИЧЕСКОГО ЭССЕ	415
<b>Меруерт Сатинбекова</b>	
ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	417
<b>Зухриддин Жұраев, Хуриид Убайдуллаев</b>	
“БОБУРНОМА”ДА ТАБИАТ ВА ҮСИМЛИКЛАР ДУНЁСИНИНГ ФРАНЦУЗЧА ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА	420
<b>Наргизахон Умарова</b>	
МЕТАФОРАЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ	424
<b>Исмаил Хожалиев</b>	
НУТҚИЙ АКТДА КОММУНИКАНТ ИЖТИМОЙ ХОЛАТИНИНГ ЎРНИ	427
<b>Нозимахоним Холикова, Табассум Муминова</b>	
МУЛОҚОТ ҲУЛҚИНИНГ МУНОСАБАТЛАРДА АКС ЭТИШИ	430
<b>Махбуба Шокирова, Шоира Нуритдинова</b>	
СОЦИОЛОГИК ВА ТИЛШУНОСЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИДА “ЁШ” ВА “ЁШ”ГА ОИД СЕМАНТИКАЛИ ЛЕКСЕМАЛАР	433
<b>Наталія Яцків, Ірина Бей</b>	
ТЕОРЕТИЧНІ АСПЕКТИ ДОСЛІДЖЕННЯ КОЛЬОРОВОЇ ЛЕКСИКИ У ФРАНЦУЗЬКІЙ МОВІ	437
<b>СЕКЦИЯ: ХИМИЯ</b>	
<b>Світлана Венгель, Євгенія Радченко</b>	
РОЛЬ ХІМІЇ В РОЗВ'ЯЗАННІ СИРОВИННИХ ПРОБЛЕМ	441